менга кўп ёрдам бердингиз. Мен буни жуда қадрлайман. (миннатдорлик)

“Таклиф”

А. Мободо картани ўйнашни истамайсизми? (мурожаат) Сиз бу ерда энг ақлли одамсиз. (илтифот) Мен сизлар билан карта ўйнашни яхши кўраман.

Б. Нега бўлмас экан?

А. Оҳ, раҳмат. (миннатдорлик)

“Зиддият”

— Мабодо... кейин, турмушда қийналиб қолсанг... аҳмоқлик қилиб юрма, олдимга бор. Тўғри боравер, тушундингми? (мурожаат, маслаҳат)

— Сулаймон ака! (мурожаат)

— Тушундингми? — юзимга қарамасдан деди у ва жавобимни ҳам кутмасдан вазмин, оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқиб кетди. Тишимни тишимга босиб, муштимни тугдим.

“Йўқ, бормайман, ҳеч қачон бормайман!” У менга бир оғиз илиқ сўз айтмади, нимага шундай қиляпсан, деб бир оғиз сўрамади ҳам, менинг дилимда ҳам ўзимга яраша бир дардим борлигини билишни истамади!.. “Йўқ, раҳмат, бормайман!”[1:27].

Мулоқотда суҳбатдошлардан бири қанчалар ғамхўрлик билан мурожаат қилмасин, барибир тингловчи уни рад этмоқда. Бу ҳолат мулоқотда муайян зиддиятни келтириб чиқаради.

Ўзбек институционал ва спонтан дискурслардаги мурожаат қолиплари жамият томонидан қабул қилинган нутқий мулоқот этикети тур ва шакллари билан чамбарчас узвий боғлиқликда ривожланиб боради. Суҳбатдошнинг у ёки бу шаклда – суҳбатдошнинг исми; суҳбатдошнинг исми + фамилияси; расмий мулоқотда эса – суҳбатдошнинг исми + отасининг исми; суҳбатдошнинг исми + отасининг исми + суҳбатдошнинг фамилияси кўринишида номланиши жамият учун мурожаатнинг энг оммабоп усули бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқи мулоқот этикети бошқа миллатлар, хусусан, ғарб мурожаат шаклларидан сезиларли фарқ қилади. Рус ва инглиз жамиятида ёшидан қатъий назар асосий нутқ вазиятларида исм билан мурожаат қилинади. Расмий давраларда исми ва отасининг исми доимий қўлланилади. Ўзбекларда аёл қишининг ўз эри ва унинг қариндошларига мурожаати бутунлай ўзига хос, яъни келин ўзининг эри томонидаги қариндошларининг исмини айтиб мурожаат қилмайди, муҳим жиҳати шуки, эрининг исмини айтиб чақирмайди, баъзи ҳудудларда бош фарзанднинг исми билан эр-хотин бир-бирларига мурожаат қилиши ўзбек тилининг, ўзбек нутқ маданиятининг бой эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилида ҳам жамоавий мурожаат вазиятларида ижтимоий мавқе асосий ўринни эгаллайди: “Қадрли талабалар!”, “Азиз ўқувчилар!” “Муҳтарам устозлар!”, “Ҳурматли касбдошлар!”. Бундай мурожаат шакллари ўзбек мулоқот этикетининг бир қисми бўлиб, иституционал мурожаат учун хизмат қилади, бу боради бошқа тиллардан ўзбек тили унчалик фарқ қилмайди.

**Адабиётлар**

1. Одил Ёқубов. Муқаддас. – Тошкент: // “Адабиёт ва санъат”, 1963. – 47-б.

2. Эркин Аъзам. Эртак билан хайрлашув: Анойининг жайдари олмаси. Қиссалар ва ҳикоялар. -Тошкент: ЎзМЭ, 2007. 200-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мурожаатнинг институционал ва спонтан дискурсда функционал типологияси ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ўзбек институционал ва спонтан дискурслардаги мурожаат қолиплари, нутқий мулоқот этикети тур ва шакллари ҳамда ўзбек халқи мулоқот этикети бошқа миллатлар, хусусан, ғарб мурожаат шаклларининг фарқланиши ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается функциональная типология обращения в институциональном и спонтанном дискурсе. Также исследуются модели речи в узбекских институциональных и спонтанных дискурсах, типы и формы речевого этикета, а также различия между формами речевого этикета узбекского народа в других странах, особенно на Западе.

**SUMMARY**

The article discusses the functional typology of addressing in institutional and spontaneous discourse. It also examines the patterns of speech in Uzbek institutional and spontaneous discourses, the types and forms of speech etiquette, and the differences between the forms of speech etiquette of the Uzbek people in other nations, especially in the West.

## ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМИЯ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИСОНИЙ АСОСЛАРИ

**С.Ж.Рахимова** – *ўқитувчи*

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Урганч филиали академик лицейи*

**Таянч сўзлар:** полисемия, фразема, ибораларда кўпмаънолилик, маънодошлик, семантика, стилистика, лисоний имконият.

**Ключевые слова:** полисемия, фразеология, множественность во фразах, семантика, стилистика, лингвистическая возможность.

**Key words:** polysemy, phraseology, plurality in phrases, semantics, stylistics, linguistic possibility.

Фразеологик бирликлар лисоний жиҳатдан тадқиқ этилганда уларни бошқа тил бирликларидан грамматик, семантик жиҳатдан фарқлаш зарурати ҳам юзага келади. Жумладан, Н.М.Шанский, В.В.Виноградов, О.С. Ахманова, В.Л. Архангельский, Ю.А.Гвоздарев, С.Ройзензон, Ю.Авалиани, А.Бущуй каби рус тилшунослари фразеологизмларнинг семантик ҳодиса эканлигини таъкидлайди[1:246-300]. Айрим тилшунослар З.Г.Ураксин, Г.А.Байрамов, Ф.А.Ғаниев, Г.Х.Ахунзянов, Л.К.Байрамова, М.Ф.Черновлар[3], хусусан, ўзбек тилшуносларидан Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов кабилар *икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, яхлитлигича устама кўчма маъно англатадиган луғавий бирликларни* [4] фразеологик бирлик ҳисоблайдилар.

Иборалар соҳасида чуқур тадқиқотлар олиб борган Ш.Раҳматуллаев фразеологик бирликларнинг маъно табиатини *биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради* [5] деб таъкидлаб, муайян образ асосида юзага келган маънога фразеологик маъно деб қарайди.

Фразеологик бирикмаларнинг шаклланиш жараёни ҳақидаги илмий изланишлар, фразиологик бирликлар таҳлил қилинганда уларнинг ҳосил бўлиши, кўпинча, ўхшашликка асосланишини кузатиш мумкин. Айниқса, полисемантик ибораларда: Boshlarini bir joyga qovushtirdi – 1) hamjihat bo‘lib birlashtirdi 2) oila qurdirdi. Boshi aylandi – 1) behud bo‘ldi, muvozanatini yo‘qotdi 2) esankiradi.

Б.Болтаева ўзининг тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг шаклланиши, хусусан, полисемияга доир айрим таҳлилларни олиб борган: “*Косани ерга уриб чилпарчин қилди* гапида эркин боғланма таркибидаги *ер* ва *урмоқ* сўзларининг ўзаро уйғун маъновий ҳамда синтактик бирикувидан “косани ерга уриш” ҳаракати билан боғлиқ, таркибидаги сўзларга хос маънони ифодалайди. *Кечаги йиғилишда уни роса ерга уришди* гапида эса эркин боғланмага хос маънонинг трансформацияси унинг фразеологик бирликка хос бўлган “ортиқ даражада камситмоқ” маъносини шакллантиради.

Аммо *бошини олиб чиқиб кетмоқ, оёғини қўлига олиб, ўпкасини қўлтиқламоқ, оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқади* каби фразеологик бирликлар сўз бирикмаси тарзда ишлатилмайди. Инсон ўз фаолиятида “бошини олиб чиқиб кетиш”, “ўпкасини қўлтиқлаш” каби ҳаракатларни бажариши мумкин эмас. Бу ўринда сўз бирикмасини унга хос бўлмаган тарзда татбиқ этиш, семантик трансформациялаш асосида фразеологик бирликка хос маъно шаклланади. Демак, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар семантик, лексик, лексик-семантик, семантик-синтактик трансформацияланади ва бу жараёнда семантик трансформация ва образлилик фарқловчи дифференциал белгилар бўлади [7:9].

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилида полисемантик фразеологизмлар кам ўрганилган У.Рашидова тилшунос Ш.Раҳматуллаев тадқиқотларини чуқур ўрганиб, унинг таҳлилларига таянган ҳолда ўзбек тилида полисемантик фразиологизмларнинг миқдори кам эканлигини таъкидлайди: “Маълумки, полисемия (кўп маънолилик) ҳодисаси сўзга ҳам, иборага ҳам хосдир, лекин бу ҳодисанинг лексикада ва фразеологияда тарқалиш даражаси бир хил эмас. Проф. Ш.Раҳматуллаевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, «ўзбек тилидаги сўзларнинг фақат 20 фоизигина полисемантик бўлса, «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (1964) да талқин этилган 998 та иборанинг. 156 таси кўп маъноли» хусусиятга эга[1:8].

«Фразеологик полисемия дейилганда иборанинг ўзи биттадан ортиқ фразеологик маъно англатиши» [1:13] тушунилади. Фразеологияда ибораларнинг асосий қисми бир маъноли, моносемантик хусусиятга эгадир. Тилимиздаги ибораларнинг тахминан бешдан бир қисми икки ва ундан ортиқ маънога эга экан. Дарслик ва қўлланмаларда ҳам полисемантик фразеологизмларга нисбатан кам намуналар келтирилади.

Кўп маъноли ибораларни жадвал кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-жадвал

| № | **Полисемантик фразеологизмлар** | **Боғлиқ бошқа маъноси** | **Боғлиқ бошқа маъноси** |
|---|---|---|---|
| 1 | бағри хун бўлмоқ | 1) зиқ бўлди | 2) руҳан азобланди. |
| 2. | баланд келмоқ | 1) енгди | 2) устун келди, ғолиб келди. |
| 3. | бармоғини тишламоқ | 1) ҳеч нарса қилолмай, натижага еришолмай қолди | 2) афсусланди. |
| 4. | ади-бади айтишмоқ | 1) турли мавзуда енгил-елпи суҳбатлашди | 2)сўз ташлашди, жанжаллашди |
| 5. | ақли кирмоқ | 1) эс - ҳушли бўлди | 2) англади, тушунди |
| 6. | авж олмоқ, авжига минмоқ, авжига чиқмоқ | 1) ривожланди | 2) зўрайди, кучайди. |
| 7. | баданидан ўтиб кетмоқ | 1) жисмига чуқур таъсир қилди | 2) руҳига чуқур таъсир қилди |

Омоним фразеологизмлар билан полисемантик фразиологизмлар шакл жиҳатдан ўхшаш бўлгани учун уларни фарқлаш қийинчилик туғдириши мумкин. Қолаверса, полисемантик ибораларнинг маъно нозикликлари кўпинча қўлловчилар томонидан мақсадли ишлатилса-да тингловчи ёки ўқувчилар томонидан бир хил маънода тушунилаверади. Аслида контекстда уларнинг маъновий тафовутлари сезилиб туради:

2-жадвал

| № | Контекст | маъноси | Контекст | маъноси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | У кутавериб *бағри хун бўлди.* | 1)зиқ бўлди | Ўйлайвериб *бағри хун бўлди* | 2)руҳан азобланди |
| 2. | Синглисининг бахти учун *бармоғини тишлади.* | 1) ҳеч нарса қилолмай, натижага эришолмай қолди | Бундан бир иш чиқмаслигини англаб *бармоғини тишлади.* | 2) афсусланди |
| 3. | Шунча йил қўшни бўлиб яшаб, уйига бир марта ҳам *бурун суқмаган* экан. | 1) кирмоқ | Бировнинг ишига ҳеч қачон *бурун суқмасди.* | 2) аралашмоқ |

Умумхалқ тилида “қулоқ солмоқ” ибораси қўлланилади. Мазкур ибора контекстда “тингламоқ” [6], “айтганини қилмоқ” [6] каби маъноларда ифодалаши айрим манбаларда таъкидланади. Қуйида унинг баъзи нутқ вазиятлари билан боғлиқ маъноларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Масалан, ушбу жумлада *уринишларига қулоқ солиб туриш* бирикмасини “*эътибор қилиш”* маъносида тушуниш мумкин, чунки гапнинг давомида яна қулоғига сўзи қўлланган бўлиб у садо сўзга нисбатан маъно ифодалайди: /*Ўрин гулларининг ерга унсиз уринишига қулоқ солиб тураркан, тўсатдан қулоғига алланечун унутилган аммо қадрдон бор садо эшитилгандай бўлади/* (Ў.Ҳошимов, 200-б.).

Қуйидаги жумлада “қулоқ солмоқ” ҳақиқатан *тингламоқ, эшитмоқ* маъносида келмоқда: /*Гап кечаги авария ҳақида кетаётганини сезди-ю, нафасини ичига ютиб қулоқ солди* (Ў.Ҳошимов, 409-б.). Навбатдаги ўринда ҳам қулоқ солмоқ ибораси “эшитмоқ” умумий маъносида ишлатилган, аммо иккала жумлада айнан бир маъно қиррасини ифодалаётгани йўқ: /*У кўзларини чирт юмди-да, ташқарида гувиллаётган шамолга қулоқ солди/ (*217-б.). Бу ўринда ҳар иккала “қулоқ солмоқ” иборасидан олдин келган “нафасини ичига ютмоқ” ва “кўзларини чирт юммоқ” бирикмалари вазиятга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Муаллиф ўз асарида мазкур иборани кўп марта қўллаган, улардан турли маъноларни, ҳолатларни ифодалашда унумли фойдаланган: /*Сирожиддин унинг гапларига беихтиёр қулоқ солди.* Шунингдек, муаллиф *қулоқ солмоқ* иборасининг *“қулоқ тутмоқ”* шаклини ҳам баравар ишлатган ўринларни кузатиш мумкин: /Сирожиддин яқин келиб қулоқ тутди. Шунда Сайфиддин ака унинг оғзидан коньяк ҳиди келаётганини пайқаб, кўнгли тағин ғаш тортди (399-б.).

Хуллас, ўзбек тилида полисемантик фразиологизмларни алоҳида ўрганишга эҳтиёж сезилиб турибди. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, шунингдек, ибораларнинг махсус изоҳли луғатларида келтирилган фраземаларнинг полиематник имкониятлари тўла

очилмаган. Биргина “қулоқ солмоқ” ибораси таҳлилидан маълум бўлиб турибдики, икки эмас, уч тўрт маънода қўлланиб, нутқни бойитишга хизмат қилмоқда.

**Адабиётлар**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: «Фан», 1966. 8-б.
2. Бушуй А.М. Библографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Вып.IV-V. –Самарканд: 1976. 1979. –С.300-246.
3. Бушуй А.М. Лексикографические описание фразеологии. – Самарканд: 1982. –С.114.
4. Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. –Тошкент: «Наврўз», 2016. 48-б.
5. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. -Тошкент: «Фан», 1970, 56-б.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1992, 5-б.
7. Болтаева Б. ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. –Самарқанд: 2019, 51-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада фразиологик полисемияни лисоний, семантик, стилистик таҳлил қилиш асосида муайян хулосаларга келинган. Мавзунинг тадқиқ этилиши таснифланган ва муайян даражада муносабат билдирилган. Фразеологик бирликларнинг контекстда ифодалаётган маънолари, ибораларнинг кўпмаънолилиги ва маънодошлигини фарқлаш, изоҳлашга доир мисоллар асосида айрим таклиф-мулоҳазалар баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья основана на лингвистическом, стилистическом анализе фразеологической полисемии в художественном тексте с конкретными выводами. Изучение предмета было засекречено и в определённой степени среагировало. На основе примеров из интерпретации были описаны некоторые пропозиции, дифференцирующие значения фразеологизмов в контексте, множественность и многозначность выражений.

**SUMMARY**

The article is based on a linguistic and stylistic analysis of phraseological polysemy in a literary text with specific conclusions. The study of the subject was classified and reacted to a certain extent. Based on the examples from the interpretation, some propositions were described that differentiate the meanings of phraseological units in the context, as well as the multiplicity and polysemy of expressions.

## СПОРТ ТАРАЎЫНДАҒЫ ШЕТ ТИЛ ӨЗЛЕСТИРМЕЛЕРИН ДУРЫС ПАЙДАЛАНЫЎ ҲАҚҚЫНДА

**А.Қ.Утепбергенов** – *биология илимлериниң кандидаты, доцент*
**Ш.Ж.Кощанов** – *студент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** чет тиллар, ўзлаштирмалар, ўзлаштириш, футбол, волейбол, баскетбол, спорт.
**Ключевые слова:** иностранные языки, заимствования, усвоение, футбол, волейбол, баскетбол, спорт.
**Key words:** foreign language, borrowing, assimilated, football, volleyball, basketbol, sport.

Жәмийетимиздиң ҳәр бир тараўының өзине тән сөзлери, сөз дизбеклери, терминлери ҳәм түсиниклери болады. Көпшилик жағдайларда қәнигелердиң маманлығы ҳәм өлшемлери олардың өз тараўындағы қолланылатуғын профессионализм ҳәм терминлерди жақсы билиўине ҳәм қолланыўына байланыслы екени мәлим.

Гейпара ўақытларда, күнделикли турмыста сөйлеўшилер өз пикирлерин ҳәм ойларын анық ҳәм дәл етип түсиндире алмай қыйналады, албырайды ҳәм пикирин орынлы билдире алмайды. Олар шет тиллерден кирген сөзлердиң мәнилерин былғастырып, жеткиликли мысаллар менен басқаларға түсиндире алмайды. Нәтийжеде тыңлаўшылар оның сөзлерине ҳәм айтылып атырған терминлерге түсинбей қалады.

Тәжирийбели педагоглардың «Қыйын пән жоқ, ал сол пәнди жақсылап түсиндире алмайтуғынлар көп», - дегени жүдә дурыс.

Әлбетте, тыңлаўшылардың айтылған сөзлерди ҳәм гәплерди түсиниў қәбилети де ҳәр түрли болатуғыны сөзсиз. Бирақ, көпшилик жағдайларда, тыңлаўшы адамлардың түсиниўи сөйлеўшиниң сөз шеберлигине байланыслы болатуғыны анық. Әсиресе, бизиң қәнигелердиң қыйналатуғын жағдайлары, бириншиден, ана тилимизде қолланылып жүрген шет тиллерден өзлестирилген сөзлердиң мәнилерин анық түсинбегенлигинен ҳәм екиншиден, ана тилимизде сол мәнилерди беретуғын өз терминлериң жетиспеўшилигинен келип шығады.

Әлбетте, дүньяда сап таза тилдиң өзи жоқ. Ҳәмме тиллер өз ара сөзлерди өзлестире алады. Өзинде жоқ, сөзлердиң орнына шет тиллердеги сол мәнилерди дәл ҳәм туўры беретуғын сөзлерди алыўы тәбийий жағдай. Дурыс ҳәм орынлы алынған шет тил сөзлери алыўшы тилди әззилетпейди, ал керисинше тек байытады ҳәм көркемлейди. Әсиресе, ҳәзирги глобалласыў дәўиринде дүнья тиллериниң өз ара байланысы ҳәм бири-бирине тәсири жүдә күшеймекте. Мысалы, социал-экономикалық, сиясий ҳәм компьютер терминлери ҳәм профессионализмлери грек, латын, англичан, француз тиллеринде жүдә жақсы раўажланған ҳәм дүньяның басқа тиллери солардың терминлерин алған. Медицина, биология ҳәм химия терминлерин көпшилик дүнья тиллери латын, грек ҳәм европа тиллеринен алып пайдаланбақта. Спорт ҳәм дене тәрбиясы тараўлары терминлерине англичан тили жүдә бай. Сол тилдиң терминлерин дүньяның көпшилик тиллери алып, өзгертпестен пайдаланбақта. Әскерий лексика голланд ҳәм немис тиллеринде кең раўажланған болып олардың профессионал лексикасын көплеген басқа тиллер өзлестирген. Ал, өзге тиллерде пайдаланылып жүрген араб ҳәм парсы тиллериниң сөзлери көпшилик жағдайларда мусылман динине байланыслы болып келеди.

Бирақ, тилекке қарсы, көпшилик адамлар, әсиресе оқыўшы ҳәм студентлер сол шет тиллерден алынған өзлестирме профессионализм ҳәм терминлердиң мәнилерин толық түсинбей надурыс пайдаланады.

Ҳәзирги күнде футбол, волейбол, баскетбол, бокс, хоккей, бейсбол, гандбол ҳәм басқа да спорт тараўларынан көплеген англичан тили терминлери ҳәм профессионализмлери қарақалпақ тилиниң жазба ҳәм аўызеки түрлеринде кең қолланылып келмекте. Себеби, бул спорт түрлери Англияда IX әсирден баслап пайда болып, дүньяның мәмлекетлерине кең тарқалған. Соның ушын да бул спорт терминлериниң көпшили ги дүнья жүзине тиллери тәрепинен англичан тилиндеги мәниси ҳәм айтылыўындай етип қабылланған.

Қарақалпақ тилинде англичан ҳәм басқа шет тиллерден өзлестирилген ҳәр түрли спорт терминлери тап ана тили сөзлериндей үйреншикли болып қолланылып келмекте. Мысалы: арбитр, аут, автодром, альпинист, аэробика, апперкот бадминтон, байдарка, баскетбол, бандаж, барьер, баттерфлей, бейсбол, биатлон, бильярд, бита, блок, бобслей, бокс, боксер, боулинг, борцовка,